

Табиатда энкарзияни очик даладарда кўй тикан ўсимлигида август, сентябр ойларида кўллаб учратиш мумкин. Энкарзия табиий шароитда оққанот личинкаларини 36-62% гача зарарлагани аниқланди.

Энкарзияни ёпиқ ва очик майдонларда тарқалишини изотоплар ёрдамида ўрганишимиз натижасида маълум бўлдики бир жойдан тарқатилган етук зотлари иссиқхонада биринчи кунлари 10 метргача радиусда тарқалади, очик далада 15-16 метргача майдонга тарқалиб оққанот личинкаларини зарарлади. Тажриба ўтказилган кунлари ҳаво ҳарорати, намлик, шамол тезлиги ҳисобга олинди. Иссиқхона шароитида зараркунанданинг зичлигига қараб 3-кунда 10 метргача учини аниқланди.

Хулоса. Қишлоқ хўжалик экинларига катта зарар етказувчи оққанот зараркунандасига қарши энкарзия фойдали ҳашаротини қўллаш натижасида экинлардан олинadиган ҳосилни экологик тоза ҳолда етиштирилади. Оққанотга қарши курашда иссиқхоналарда энкарзияни ғумбаклик ҳолатида 1 м² жойдаги экинларга 3-5 донадан ёки 1 га иссиқхонага 150 минг дона чиқарилади. Иссиқхоналарда унинг биологик самарадорлиги 65-80% ни ташкил қилди. Энкарзиянинг биологик самарадолиги баҳор, ёз даврларида табиий шароитда 30-40% ни ташкил қилади. У атроф муҳитга, инсонларга безарар бўлиб унинг ёрдамида экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга эришилади..

АДАБИЁТЛАР:

1. С. Н. Кручина <https://bigenc.ru/c/enkarziia-695ff3>.
2. Адашкевич Б.П., Саидова З.Х., Кадыров А.К., Таканаев А.А. и др. Оптимальные схемы и кратности выпуска габробракон, трихопору и трихограммы (рекомендации). Ташкент, ФАН нашриёти, 1988.
3. Адашкевич Б.П., Кадыров А. Трихопорус. Э. "Защита растений", 1984, №3, с.44-45
4. Попов Н.А., Забудская И.А., Злобина И.И. Энкарзия. Ж. Защита растений. 1984. №3, с.42-44
5. Попов Н.А., Забудская И.А., Бурнисон Н.Г. Разведение энкарзии в биолaborаториях при тепличных комбинатах. Ж. "Защита растений", №6, 1987, с.33
6. <https://bio-group.net/portfolio/encarsia-formosa/>
7. https://b-technology.pro/ru/top_entomofagov_belokrylka/8. agroxxi.ru/goshandbook
8. Р. Мищенко. Лучшие энтомофаги против белокрылки. Энциклопедия вредителей и болезней. Россия, 2022.

УЎТ: 632.34: 633.51

ИСТИҚБОЛЛИ АКАРИЦИД

Хакимов Абдувахит Абдурахимович, қ/х.ф.н.,
Хакимова Санталат Пазлидиновна, кичик илмий ходим,
Хусенова Нодира Нутфиллаевна, катта илмий ходим,
Солиев Шамсиддин Одилжон ўғли, докторант,
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти.

Аннотация. Мақолада синонга келган янги препаратнинг таркиби ва таъсир қилиши ҳақида баён этилади. Гитедекс Плюс, 72% э.к. препаратининг ўргимчакканага қарши ғўза ва қовун ўсимликларини ҳимоя қилишида юқори биологик самара олинди.

Калит сўзлар: ғўза, зараркунанда, ҳосил, ўргимчаккана, акарицид, тажриба, биологик самарадорлик, қовун.

Аннотация. В статье приведены результаты полевых испытаний против паутиных клещей нового смешанного препарата Гитедекс Плюс, 72% к.э. Получена высокая биологическая эффективность на хлопчатнике и посевах дыни.

Ключевые слова: хлопчатник, вредитель, урожай, паутиный клещ, акарицид, опыт, биологическая эффективность, дыня.

Abstract. The article presents the results of field tests against spider mites of a new mixed drug Gitedex Plus, 72% e.e. High biological effectiveness was obtained on cotton and melon crops.

Key words: cotton, pest, crop, spider mite, acaricide, experience, biological effectiveness, melon.

Кириш. Республикаимиз шароитида қишлоқ хўжалик экинларининг ривожланиши даврида сўрувчи ва кемирувчи зараркунандаларига қарши ўз вақтида самарали кураш тадбирларини ўтказиш билан етилиб келаётган ҳосил элементларини сақлаб, мўл ва сифатли ҳосилга замин яратиш ҳар бир фермер ва деҳқон хўжаликларининг асосий мақсадидир. Маълумки, зараркунандалар томонидан экинларга етказилган зарар ҳосил ва унинг сифатини пасайишига олиб келади.

2023 йил ғўзанинг ривожланиши даврида унинг сўрувчи ва кемирувчи зараркунандаларига қарши бир қатор янги препаратларни лаборатория ва дала шароитларида синондан ўтказдик. Режадаги синалган препаратлар орасида (нисбатан)

энг юқори самара Гитедекс Плюс, 72% эмульсия концентратидан олинди. Бу препаратни таъсир этувчи моддаси пропаргит – 660 г/л+ гекситазокс-60 г/л дан иборат бўлиб, ўргимчакканага қарши турли таъсир этиш механизмига кўра, юқори самара олишга илинж мавжуд.

Ўргимчаккана кенг тарқалган зараркунандадир. Жуда майда бўғиноёқли жониворлар намунаси бўлгани учун оддий кўз билан зўрға кўриш мумкин. У баргларнинг орқа томонига жойлашиб олиб, санчиб-сўриб ўсимликка шикаст етказди. Зарарланган баргларнинг устки томонида қизғиш-кўнғир доғлар пайдо бўлади. Кучли зарарланганда ўсимлик барглари қуриб тўкилиб кетади, ўсимлик яланғочланиб қолади. Ўргимчаккананинг зарарлилиги унинг ғўзага тушиш

Акарицид Гитедекс Плюснинг ғўзада ўргимчакканага қарши биологик самарадорлиги
Дала тажрибаси, Фарғона минтақавий филиали, моторли осма пуркагич – 300 л/га, 16.07.2023 й.

Вариантлар	Соф моддаси	Сарф-меъёри, л/га	1 зар. баргдаги ўргимчаккана сони, дона					Самарадорлик, % кунларга			
			Дори сепишгача	Ундан сўнг, кунларга:				2	5	10	17
				2	5	10	17				
Гитедекс Плюс, 72% эм.к.	пропар-гит+гекситиазокс	0,5	46,3	1,7	0	0	4,7	97,1	100	100	93,1
Омайт, 57% эм.к. (андоза)	пропар-гит	1,5	61,2	3,1	6,2	17,1	22,3	96,1	92,4	82,6	75,2
Ниссоран, 5% эм.к. (андоза)	гекси-тиазокс	0,2	77,9	39,2	42,1	31,1	29,7	61,2	59,8	75,1	74,1
Назорат (ҳимоясиз)	-	-	50,4	65,5	67,9	81,1	74,2	-	-	-	-



1



2



3

Расм. Ўргимчаккананинг зарари:

1 – ўргимчаккананинг микроскопда кўрилиши, 2 – ўргимчаккана билан зарарланган қовун барги, 3 – ўргимчаккананинг ғўзадаги зарари.

муддатига, ўсимликда қанча вақт давомида туришига боғлиқ. Қанча эрта тушса, шунча кучли зарарлайди. Июнь ойида зарарланган ғўзаларда 50-60% ҳосил йўқотилади [1].

Ниссоран - Япониянинг "Ниппон Сода" компанияси томонидан кашф қилинган. Препаратнинг соф моддаси гекситиазокс, кам заҳарли модда. Ниссоран ихтисослашган акарицид, кананинг тухум, личинка ва нимфасини ўлдиради. Етук зотини пуштсиз ёки қўйган тухумидан личинка очиб чиқмайдиган қилиб қўяди. Таъсири узоқ вақтгача давом этади.

Пропаргит – АҚШ нинг Юнироял фирмаси томонидан кашф этилган ихтисослашган акарицид, таркибида олтингурут мавжуд. Пропаргит каналарнинг личинка ва етук зотларига нисбатан юқори ва давомли таъсир қилади. Шу билан бирга асалари ва бошқа фойдали ҳашаротларга нисбатан зарарсиздир [2,3].

Бу иккита соф моддага эга Гитедекс Плюс эм.к. ўргимчаккананинг тухум, личинка ва нимфасини ўлдириб, таъсири узоқ вақтгача давом этади. 2023 йилнинг 13 июл куни Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтининг тажриба даласида, сўнгра 16 июль куни шу институтнинг Фарғона минтақавий филиалининг тажриба майдонида ўргимчакканага қарши синовга берилган препаратлардан тажриба қўйилди. Тажриба ҳисоб-китоблари

давомида Гитедекс Плюс, 72% эм.к. акарициди энг яхши самара кўрсатгани аниқланди (жадвалга қаранг). Бу препаратнинг биологик самарадорлиги ишловдан кейин иккинчи куни 97,1% самара кўрсатиб, бешинчи ва ўнинчи кунлари 100% га етди. Андоза вариантимида Омайт, 57% эм.к. иккинчи куни 96,1% самара берган бўлса, ўнинчи куни 82,6% кўрсаткич қайд этилди. Ниссоран, 5% препарати ишловдан кейинги иккинчи куни 61,2% ўнинчи куни 75,1% самара кўрсатди.

Тошкент вилояти, Бекобод тумани "Жийдали" фермер хўжалигида қовун экилган пайкалда ҳам бу акарицид ўргимчакканага қарши синаб кўрилди. Қовуннинг ўсиб ривожланиши яхши, нави – "Олтин водий", гул ва найчалари кўринган далада ўргимчакканага қарши 2023 йилнинг 20 июнь куни тажриба қўйилди. Тажриба ҳисоб-китоблардан шу нарса маълум бўлдики, акарицид Гитедекс Плюс, 72% эм.к. сепилган вариантда самарадорлик иккинчи куни 86,4%, 8-10 кунга келиб 97,5% гача биологик самара кўрсатди. Андоза вариантыда иккинчи куни – 69,7%, саккизнчи ва ўнинчи кунларга бориб эса 82,5% натижа олинди. Аралашма дорининг аддитив (жами) самарадорлиги юқори бўлиб, ҳар бирдан олинадиганига нисбатан фарқланади.

Гекситиазокс билан пропаргитдан иборат Гитедекс Плюс акарициди аддитив таъсир кўрсатди. Натижада узоқ муд-

датли таъсир кучи давом этди. Ўсимликларни каналардан ҳимоя қилишда турли таъсирга эга аралашма акарицидлар-

дан фойдаланиш аддитив самара ҳисобига юқори натижа кўрсатишини Гитедекс Плюс дори мисолида кўриш мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1. Успенский Ф.М. Паутинный клещ биоценоза хлопковых полей и система приёмов интегрированной борьбы с главнейшими вредителями хлопчатника в Узбекистане. — Ташкент: ФАН, 1970. — 305 б.
2. Хўжаев Ш.Т. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг асослари (IV нашр). — Тошкент: Янги нашр, 2019. — Б. 64-70.
3. Хўжаев Ш.Т. Қишлоқ хўжалигида пестицидларни ишлатиш ҳамда тадқиқот ўтказиш усул ва шартлари. — Тошкент: "Zilol buloq", 2020. — 150 б.

УЎТ: 632.7/632.93

МАККАЖЎХОРИ ВА ОҚ ЖЎХОРИ ЗАРАРКУНУНДАЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Ақромов Бахтияр Акмалович,
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим,
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Бугунги кунда республикаимизда ем-хашак экинларига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Улардан юқори ҳосил олишда зараркунандаларга қарши курашни ўз вақтида самарали ўтказиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Мақолада ем-хашак экинларидан маккажўхори ва оқ жўхорининг асосий зараркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: маккажўхори, оқ жўхори, зараркунандалар, маккажўхори парвонаси, ширалар, тунламлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш, тадбирлар.

Аннотация. Сегодня потребность в кормовых культурах в нашей республике растет с каждым годом. Для получения высокого урожая кормовых очень важно эффективно и вовремя проводить борьбу с вредителями. В статье представлена информация об основных вредителях кукурузы и сорго и мерах борьбы с ними.

Ключевые слова: кукуруза, сорго, вредители, кукурузные огневка, тли, совки, защита растений, мероприятия.

Abstract. Today, the need for forage crops in our republic is growing every year. To obtain a high yield of fodder, it is very important to carry out pest control effectively and in a timely manner. The article provides information about the main pests of corn and sorghum and measures to combat them.

Key words: corn, sorghum, pests, corn moths, aphids, cutworms, plant protection, measures.

Кириш. Мамлакатимизда сақланиб келаётган қатор долзарб муаммолардан бири бўлган чорва озуқа базасини мустаҳкамлашдаги вазият кейинги йилларда нисбатан яхши томонга ўзгариш кузатидаётган бўлсада хали ҳам бу йўналишда муаммолар етарли. Бутун дунёда чорвани озиклантиришда асосан силос ва омукта ем ишлатилади. Ем хашак экинларидан юқори сифатли мўл ҳосил олишда қатор агротехник тадбирлар қаторида уларни зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларнинг зарарли таъсириндан ҳимоя қилиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Озуқабоп экинлар майдонлари структурасини такомиллаштириш, бу – экинларнинг маълум тупроқ-иқлим шароитига мослашган тур 5 ва навларини танлаш, кам ҳосилли экинларни юқори ҳосилли тур ва навлар билан алмаштириш, энг муҳими, беда каби юқори тўйимли, серҳосил кўпйиллик ўтлар майдонларини кенгайтиришдан иборат. Олимларнинг тажрибаларига кўра, экин майдонлари структурасини такомиллаштириш натижасида тўғри агротехника қўлланилганда, донли ва донли-дуккакли экинлар ҳосили – 1,8 баробар, силосбоп экинлар – 2,5 – 3,0 баробар, бир йиллик ўтлар – 2,0 – 2,7 баробар кўпаяди. Озуқалар орасида, ембоп дон экинлари алоҳида ўрин эгаллайди. Ембоп дон – концентрат озуқа, унинг таркибида кўп миқдорда оксил, енгил ҳазм бўлувчи углеводлар, минерал тузлар бўлиб, улар ҳайвон рақшонини бойитади ва маҳсулдорлигини кўпайтиради. Шунинг учун ем-

боп дон ишлаб чиқаришни кўпайтириш, далаларда ем-хашак етиштириш чорвачиликда асосий вазифадир. Далаларда озуқабоп экинлар ҳосилдорлигини оширишнинг асосий йўли уларни ўстиришда интенсив технологияларни жорий этиш ҳисобланади. Ўзбекистонда катта майдонларга кузги буғдой экилаётганлиги такрорий экинлар экишни тақозо қилмоқда, бу республиканинг иқлим-тупроқ шароитларидан самарали фойдаланиш ва озуқа етиштиришни кескин кўпайтиришга қаратилган муҳим омилдир.

Ҳозирги кунга келиб жаҳоннинг бир қатор давлатларида зарарли организмларга қарши экологик хавфсиз кураш тизимларини ишлаб чиқиш асосий талаблардан бири бўлмоқда, шуни инобатга олиб республикаимизда зарарло организмларга қарши экологик хавфсиз кураш чора-тадбирларини қўллаш ва уларни кенг амалиётга жорий этиш бўйича бир қанча ишларни амалга оширишни тақозо этади.

Маккажўхори ва оқ жўхори экинларида иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган зарарли организмларга қарши курашнинг уйғунлашган самарали тизимини белгилаш, мониторинг олиб бориш, касалликлар ва бегона ўтларнинг республика ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш долзарб ҳисобланади.

Маълумотларга кўра маккажўхори ва оқ жўхори зараркунандалари 200 турдан ошади. Булар ичида 15-20 таси иқтисодий аҳамиятга эга хавфли турлар ҳисобланади